

Мустакиллик йилларида Соhibкирон Амир Темур фаолиятига ба-гишланган ноёб мўътабар манбаларни ўрганиш ва нашр этишга кенг йўл очилди. Нисбатан киска давр ичида тарихчи ва шаркшунос олим-ларнинг захматли меҳнати туфайли ноёб кўлёмалар халкимизга етиб борди. Бугунги китобхонлар Ибн Арабшохнинг "Амир Темур тарихи", Ибн Халдуннинг "Таржимаи холи" (парчалар), Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома"лари Абдураззок Самаркандийнинг "Матлаи саъдайн ва мажмаи бахрайн" (икки жилдда) асарларини ўзбек тилида ўқимокдалар. Улар бевосита араб (таржимонлар Убайдулла Уватов, Акрам Хабибуллаев), форс (таржимонлар Мухаммад Али ибн Дарвиш Али ал Бухорий, Юнусхон Хақимжонов, Асомиддин Ўринбоев, Омонулла Бўриев) тилларидан таржима қилинди. Гиёсиддин Алининг "Рўзномайе газавоте Хиндистон" (таржимон ва нашрга тайёрловчи А.А.Семёнов), Фасих Ахмад ал Хавофийнинг "Мужмали Фасихий" (таржимон ва нашрга тайёрловчи Дилором Юсупова) асарлари рус тилида нашр этилди. Шунингдек, Амир Темурга замондош бўлган овруполик Руи Гонсалес де Клавихонинг "Кундалик"лари (испан тилидан Улугбек Жўраев таржимаси), Султония архиепископи Иоаннинг хотиралари (француз тилидан Баходир Эрматовтаржимаси), Иоганн Шильтбергернинг хотиралари (рус тилида) эълон қилинган. Соhibкирон каламига мансуб "Темур тузуклари" (форсчадан Алихон Соғуний ва Хабибулла Кароматов таржимаси) қайта-қайта нашр этилмоқда. Шунингдек, халқ китоби бўлмиш "Темурнома" катта ададларда босилиб чиқди. Ўнлаб йирик илмий асарлар, рисоалар чоп этилиб, катор диссертациялар химоя қилинди. Хуллас, бугунги кунда Амир Темур фаолиятига бағишлаб ёзилган Шарқ ва Гарб манбаларининг катта қисмидан китобхон халкимиз бахраманд бўлди, деб фахр билан айта оламиз. Юқори савияда таржима қилиниб нашр этилган мазкур ноёб асарлар маънавий мулккимизга айланди. Бу эзгу ишлар Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг ташаббуси ва раҳнамолигида амалга оширилаётганини мамнуният билан таъқидлаб ўтиш лозим.

Яна шу нарсани гурур ва ифтихор билан айтиш керакки, бутун жаҳонда Амир Темур фаолиятини ёритувчи илмий ва бадий асарларнинг умумий сони беш юздан ортиб кетади. Соhibкиронга бағишлаб ёзилган сахна асарлари, жумладан инглиз драматурги Христофор Марлонинг "Соhibкирон Амир Темур" драмаси бир неча асрлардан бери Европа театрларида қайта-қайта намойиш этилиб, томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлиб келмоқда. Ўтган асрнинг бошларида буюқ озарбайжон драматурги Хусайн Жовид ёзган "Амир Темур" шеърий драмаси туркий халқлар орасида катта шухрат қозонган эди.

Ўзбек бадий темурномаси саҳифалари ҳам йил сайин мазмундор, ёркин асарлар билан бойиб бормоқда. Таникли ижодкорлардан Абдулла Ориповнинг "Соhibкирон" ва Мухаммад Алининг "Буюқ салтанат" романи, академик Бўрибой Аҳмедовнинг "Амир Темур" илмий романи ва ўнлаб дostonлар, қиссалар, шеърларни ўзбек ўқувчилари катта завқ билан ўқиб келмоқдалар.

Ўтган йили ўзбек темуршунослиги яна бир йирик асар билан бойиди. Анча йиллардан бери қадимий кўлёмаларни тадқиқ этиб келаётган захматқаш олим ва ёзувчи Гулом Каримий муаррих Муиниддин Натанзийнинг "Мунтахаб ут-тавориҳи Муиний" асарини форс тилидан таржима қилиб, нашр эттирди.

Мазкур асар матни устида узок йиллар кунт билан ишлаб, уни ноёб тарихий манбалар билан қиёслаб, синчиклаб ўргангани ва мохирона таржима қилгани олимнинг ибратли

фазилатидир. Синчков китобхонларга маълумки, Гулом Каримий "Мунтахабут-таворих"нинг катта қисми таржимасини "Жахон адабиёти" журналида (2006 йил, 3-4-сонлар) Ўзбекистон Халқ ёзувчиси, Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси Мухаммад Али сўзбошиси билан эълон қилган эди. Тадқиқотчи изланишларини давом эттириб, асар ҳақидаги тасаввурларимизни кенгайтирди. Маълумки, Шарқ манбаларида бирон-бир мавзуни батафсил ёритишдан олдин оламнинг яратилиши, Нух пайгамбар ва унинг ўғиллари, жумладан, Ёфас ўғли Туркхон наслдан бошланган ҳукмдорлар шажараси ва кейинги сулолалар тарихини батафсил тасвирлаш анъанаси мавжуд. Бу борада тасаввур равшан бўлиши учун Мирзо Улугбекнинг "Тўрт улус тарихи" ва Абулғозийнинг "Шажараи турк" асарларини ёдга олиш кифоя. Шарқ муаррихларининг ҳаммаси бу анъанага содиқ қолганлар. Шунинг учун ўзидан олдин ўтган тарихчиларнинг асарларига таянган ҳолда даврий маълумотларни айнан такрорлаш айб саналган эмас, аксинча, табиий ҳол сифатида қабул қилинган. Гулом Каримий "Мунтахаб ут-таворих" муаллифи ўзигача бўлган давр тарихини ёзишда Рашидиддин Фазлуллоҳ, Ҳамдуллоҳ Қазвиний сингари тарихчилар асарларидан фойдаланганини, ўз замонаси ва яқин ўтмиш воқеаларини эса кўпроқ ўзи билган асарлар асосида ёритганини алоҳида таъкидлайди. "Шу сабабли "Мунтахаб ут-таворихи Муиний"нинг, айниқса, сўнги қисмларида бошқа муаррихлар асарларида учрамайдиган нодир маълумотлар бисёрдир", - деб ёзади тадқиқотчи.

Гулом Каримийнинг таржимон ва шарқшунос олим сифатидаги катта меҳнати асарга ёзган "Мунтахаб ут-таворихи Муиний"да Амир Темур даври тарихининг ёритилиши" деб номланган қириш сўзида яққол намоён бўлади. Тадқиқотчи чинакам илм тамойилларига амал қилган ҳолда темурийлар даврига бағишланган деярли барча йирик манбаларга чуқур тасниф беради, уларнинг нодир қўлёмалари қаерларда сақланаётгани, қимлар томонидан таржима қилиб ўрганилгани ва нашр этилгани, таржима ва тадқиқотнинг илмий савияси ҳақида муқамал қиёсий маълумотлар кетиради. Ана шу жараёнда мавзу қирраларига синчков олим сифатида ёндашиб, айрим муаммолар, бахсли масалаларга нисбатан ўз қараши, нуқтаи назарини дадил илгари суради. Масалан, темурийлар даврига доир асарларда "бахшилар", "уйғур бахшилар" деган ун-вонлар тез-тез учраб туради. Манбаларда Алишер Навоийнинг бобоси саройдаги "уйғур бахши"лардан бўлгани ҳақида маълумотлар бор. Хатто шуни рўқач қилиб, "Навоий уйғур шоири" деб юрганлар ҳам учрайди. "Уйғур бахшилари" иборасини қандай тушуниш керак? Гулом Каримий сўзбошида мазкур тушунчага батафсил изох беради. Унинг таъкидла-шича, Амир Темур даврида ҳар бир жанг баёнини бахшилар (битикчи-лар) туркий тилда ёзиб борганлар. Олим ҳарбий атамаларнинг аксарияти туркий бўлиб, жанговар бўйруқлар ҳам шу тилда берилгани, уларни қозғога аниқ туширишга бу тил катта қулайликлар тугдирганини алоҳида қайд этади. Бундан ташқари, ўрта асрларда уйғур ёзувини биладиган кишилар қамайиб қетган эди. Улар махсус эътиборда турган, ҳарбий ва давлат сирлари фақат ана шу бахшилар томонидан уйғур ёзувида битилган ва махфий сақланган. Хуллас, Гулом Каримий барча темурийлар даврида катта нуфузга эга бўлган "уйғур бахши"лар ҳақида батафсил маълумот бериб, уйғур миллати билан уйғур ёзуви, жумладан, "уйғур бахши"лар тамомила бошқа-бошқа тушунча эканини аниқ далиллаб беради.

Гулом Каримий мана шу йўналишдаги фикрларини давом эттириб, темурийлар даврида кенг истеъмолда бўлган ва тадқиқотларда қам изох-ланган ёки тушириб қолдирилган бир қанча ҳарбий атамалар маъносини кенг шарҳлашга муваффақ бўлади. Шу ўринда бир-икки мисол келтириб ўтайлик. Манбаларни синчиклаб қиёсий ўрганган олим кўпгина

тадқиқотларда баъзи нодир туркий атамалар таржима қилинмасдан ташлаб кетилгани ёки нотўғри изоҳланганини, хатто улар "обрўли туркий лугатларда ҳам қайд этилмаган"лигини таъкидлайди. Масалан, яқин пайтларгача "Мунтахаб ут-тавориҳ"нинг муаллифи ҳам номаълум ҳисобланиб, асар темурий шахзода Искандар Султонга бағишлангани учун "Искандар аноними" деб аталиб кетган эди. (Асар муаллифи Муиниддин Натанзий эканини биринчи марта машхур рус шарқшуноси В.В. Бартольд аниқлаган.) Асардан айрим парчалар 1941 йилда нашр этилган "Олтин Ўрда тарихига оид маълумотлар" тўпламининг 2-жилдига киритилган бўлса-да, таржимонлар матннинг кўп жойларини тушириб қолдирганлар. Гулом Каримий ана шу таржимонларнинг самимий эътирофларини ҳам келтиради: "Матннинг кўп жойлари жуда кам учрайдиган турк ва мугул сўзларигатўлиб кетгани учун маъноси ноаниқлигича қолди. Ана шу сабабга кўра биз "Искандар аноними"нинг Олтин Ўрда тарихига оид баъзи жойларини чоп этишдан воз кечдик". Айни замонда олимнинг ўзи ҳам шундай қийинчиликка дуч келади, аммо эринмай излангани, ахтаргани учун кўпгина ҳарбий атамалар маъносини тўғри очиб беришга эришади. Жумладан, у манбаларда учрайдиган "ёсомиший -лашкарни тартибга солиб сафлаш, тақомиший ёки нақомиший - чекинаётган душманни қувиб зарба бериш, сон - қўшин рўйхати, булжор -лашкар йигилиши учун белгиланган жой ва муддат, танқол ёки тунқол- лашкарга белгиланган жойга бориб йигилиш учун берилган буйруқ" каби атамаларни изоҳлаб, уларга аниқлик киритади.

Олим "Мунтахаб ут-тавориҳ"дан бошқа манбаларда деярли учрамайдиган қамб ҳарбий атамалар изоҳига қаттагина ўрин ажратади ва уларни батафсил таҳлил қилади (булғомиший, истикшоф, кечомиший, бекламиший ёки бакламиший, тарқол ёки торқол ва хоқазо атамалар).

Энди манбаларда кечомиший сўзи қандай изоҳланганини кўздан кечирайлик.

Олимнинг таъкидлашича, бу сўз Рашидиддин Фазлуллоҳнинг "Жоме ат-тавориҳ" асарида қенг қўлланган, аммо рус тилига турли маъноларда таржима қилинган, баъзи ўринларда эса унинг ўрнига уч нукта қўйиб кетилган экан. Жумладан, олим Березин бу сўзни "производил перевозку" деб, Ю.П. Верховский тун (кеча) деб тушуниб, "тунамук" деб, А.К. Арендс эса жонбозлик (усердие) маъносида таржима қилганини айтади ва К.А. Арендстаржимаси муваффақиятли чиққанини таъкидлайди.

Айни замонда олим "Мунтахаб ут-тавориҳ"ни ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида "маъноси қийин сўзларга немис олими Герхард Дёрфернинг "Янги форс тилидаги туркий ва лугавий элементлар" номли тўртжилдли тадқиқотидан фойдаланган ҳолда" изоҳ берганини ўта ҳалоллик билан таъкидлайди. Бу эътироф, ўз навбатида, олимнинг қамтарлиги ва қомиллик белгисидир. Шу нуктада Гулом Каримий яна бир жиддий ҳулосани илгари суради: "Шубҳасиз, бу гоят қимматли тарихий асарнинг туркий лексикасини ҳар томонлама тадқиқ қилиш фақат тилшунос-лик фани нуктаи назаридан аҳамиятли бўлиб қолмасдан, балки Амир Темур давридаги ҳарбий санъат, давлатчилик ва иқтисодиёт каби соҳаларга оид билимларимизни ҳам бойитишга хизмат қилади", - деб ёзади ва Ватанимиз тарихига доир Шарқ манбаларини ўрганиш амалий аҳамиятга эгаллигига, қелажакда яратиладиган илмий асарларда яна масала-нинг қайси жихатлари ёритилиши лозимлигига жиддий ургу беради.

Тадқиқотчи ўнлаб матнларни қиёсий ўрганар экан, баъзи илмий асарларда йўл қўйилган ҳатолар ва қалқашликларни одоб билан айтиб ўтишни ҳам лозим топади. Масалан, у анчагина салмоқли "Темур ва Улугбек даври тарихи" тадқиқотида: "1937 йилда Низомиддин Шомий асари Ф.Та-уэр томонидан чех тилида чоп этилди" деган маълумот

берилиб, хаво-лада мазкур нашрнинг француз тилидаги титул вараги ёзуви келтирилганига диққатимизни тортади. Маълум бўлишича, чех олими Низомиддин Шомий "Зафарнома"сини таржима қилмаган, балки унинг форсча матнини нашр эттирган экан. "Темур ва Улугбек даври тарихи" тадқиқотида титул вараги сифатида француз тилидаги саҳифа тақдим этилгани юқоридаги нашр муаллифлари эса Ф.Тауэр китобини умуман кўрмаганидан далолат беради. Эътиборсизлик билан йўл қўйилган бундай ҳа-толар дарс-лик ва қўлланмаларга ҳам қўчиб ўтиб, қўпчиликни чалғитиб қўйиши мумкин. Гулом Каримийнинг ўз тадқиқотида мана шундай ўта синчковлик ва катта масъулият билан ёндашгани ва айрим нуқсонларни дадил очиб бергани ёш олимлар учун ҳам яхши сабоқ бўла олади.

"Мунтахаб ут-тавориҳ"ни таржима қилишда олим энг оқилона ва тўғри йўлдан бориб, аввалги муаллифлар батафсил тасвирлаган воқеаларни тушириб қолдиради. Айни замонда, ўқувчига асар ҳақида муқамал та-саввур бериш учун бу бобларнинг номларини сўзбошида тўла келтириб ўтади. Амир Темур даврига оид қисмлар эса Париж ва Лондонда сақла-наётган мўътабар қўлёзмалар асосида француз олими Ж.Обен тайёрлаган ва 1957 йилда Техронда форс тилида босилиб чиққан нашр асосида ўзбек тилига таржима қилинган. Олим сўзбошида алоҳида таъкид-лаб ўтган Техрон нашри мундарижаси қуйидагилардан иборат:

Шабонқора маликлари табақаси (1-9-бетлар);

Хурмуз маликлари табақаси (10-19-бетлар);

Қирмон маликлари табақаси (20-30-бетлар);

Язд маликлари табақаси (31-34-бетлар);

Луристон маликлари табақаси (35-67-бетлар);

Жўжихон маликлари табақаси (68-101-бетлар);

Чигатой уруги табақаси (102-132-бетлар);

Халокухон табақаси (133-157-бетлар);

Туготемурийлар табақаси (158-159-бетлар);

Чўпон авлоди табақаси (160-162-бетлар);

Амир ШайхҲасан Бузург авлоди табақаси (163-169-бетлар);

Махмудшоҳ Ёнжу авлоди табақаси (170-179-бетлар);

Мухаммад Музаффар авлоди табақаси (180-196-бетлар);

Мовароуннаҳрда исён қўтарган амирлар табақаси (197-274-бетлар);

Ҳазрат Султон соҳибқирон табақаси (274-408-бетлар);

Амир Темур тарихига оид Лондон нусхасида мавжуд фасллар (409-436-бетлар);

Қўрсаткичлар (437-485-бетлар);

Мазкур мундарижанинг ўзиёқ "Мунтахаб ут-тавориҳ"да бошқа ном-дор муаррихларнинг асарларида учрамайдиган қўпгина қимматли маълумотлар борлигини қўрсатиб турибди. Айниқса, "Мовароуннаҳрда исён қўтарган амирлар табақаси" (77 бет) ва "Ҳазрат Султон соҳибқирон та-бақаси" (134 бет) ўз салмоғи жиҳатидан ҳам асардаги бошқа боблардан сезиларли даражада фарқилади. Уларда келтирилган воқеалар баёни Мовароуннаҳр тарихи ва Амир Темур фаолияти ҳақидаги қарашлари-мизни ниҳоятда кенгайтиради. Юқоридатаъкидлаганимиздек, қўлёзма манбаларни синчковлик билан қиёслаб ўрганган Гулом Каримий "Мунтахаб ут-тавориҳ"нинг турли нусхаларида мавжуд фарқларга ҳам жиддий эътибор беради ва уларни илова тарзида ўқувчига етказди. Бу иловалардаги Амир Темур ва те-мурийлар ҳақидаги маълумотлар ҳам тарих муҳлислари учун қимматли маълумотлар беради.

Юкори савияда таржима этилган бу асарнинг фазилатлари хакида яна кўп гапириш мумкин, аммо биз сўзни мухтасар килиб, айрим истак-ларимизни билдириш билан чекланамиз. Таржиманинг баъзи ўринла-рида: "Амир Хусайн бу воқеа тафсилотларидан хабардор бўлгач, Мо-вароуннахрдаги вазият канакалиги унга маълум бўлди" (71-бет) син-гари тахрирталаб жумлалар ҳам учраб қолади. Китобнинг 28-бетда "кораунас" этноними келтирилади. 29-бетда бу атама "каровнос", 73-бетда "карогунос", 80-бетда "кароунос" тарзида ҳам ёзилади. Гулом Каримий "Чигатой улуси" атамасини изоҳлар экан, "Улус ахолиси тур-кийлар бўлиб, уларни бошқа туркий халклардан фарклар учун чигатой турклари ёки киска килиб чигатойилар деб аташган", - деб ёзади. Бу изоҳ анча бахсли. Холбуки, илмий адабиётларда туркийлашган мўгул-лар "чигатойлар" деб изоҳланади (Каранг: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 9-жилд, 636-637-бетлар). 83-бетда "Мулунггур" атамаси тилга олинган. У ҳозирги Булунгур бўлиши мумкин. Хар холда бу атамага изоҳ берган маъкул эди.

Муаллиф бу истакларимизни самимий тилаклар сифатида қабул қили-шига ишонамиз. Гулом Каримий заҳмат чекиб таржима қилган ва нашр этган "Мунта-хаб ут-тавориҳи Муиний" китоби ўзбек шарқшунослик илмини бойита-диган самокли асар бўлиб қолади.

Улугбек АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент давлат шарқшунослик
институти катта ўқитувчиси